2024-yil 9-noyabr
shanba

№134
(5042)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Эртага мамлакатимизда Тиббиёт ходимлари куни нишонланади

ЎзА фотоси.

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!

Мамлакатимиз бўйлаб 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни байрами шукуҳи кезмоқда



Давра суҳбати

МЕҲНАТ ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА

Касаба уюшмалари куни муносабати билан «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасида «Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари фаолиятидаги устувор йўналишларда амалга оширилаётган ишлар ҳамда галдаги долзарб вазифалар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, турмуш даражасини янада ошириш ҳамда соҳадаги кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида фикр алмашилди.

Кенгаш раиси Абдулла Нугманов метрополитен ходимларининг машаққатли меҳнати ҳақида сўз юритиб, уларга миннатдорлик билдирди. Сўнгра «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Содиқовга касаба уюшмасининг ташаккурнома ҳамда эсдалик совғаси топширилди.

Тадбир давомида Тошкент метрополитени касаба уюшма қўмитаси томонидан аёллар ва эркаклар ўртасида уюштирилган шахмат-шашка мусобақаси ғолиблари ҳам тақдирландилар.

Эъзоза УМУРЗОҚОВА
«ISHONCH»

Тадбир

СИЗ ШАРАФГА МУНОСИБСИЗ

Андижон шаҳрида 10 ноябрь – Тиббиёт ходимлари куни ҳамда 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни арафасида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳоджон Ханапияев билан очиқ мулоқот ташкил этилди.

Унда сўзга чиққан Фарҳоджон Ханапияев тиббиёт соҳасини чинакам халқчил тизимга айлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва чора-тадбирлар ҳақида фикр билдирди. Узоқ йиллар касаба уюшмаси тизимида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ фахрийлар ва фаоллар Республика кенгаши фахрий ёрлиқлари, ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Йилнинг энг яхши шифокори» танловининг вилоят босқичида турли номинацияларни қўлга киритган шифокорлар рағбатлантирилди.

Анваржон АРЗИЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, соҳада туб ислоҳотлар ва муҳим дастурларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, ўзининг фидокорона меҳнати, билим ва малакаси билан аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини юксалтириш, илғор хорижий тажриба ва даволаш усулларини амалиётга кенг жорий этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, юқори касб маҳоратига эга кадрларни тайёрлаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахманов Акрам Абдусаттарович – Республика болалар кам инвазив ва эндовизуал хирургия илмий-амалий маркази жарроҳи

Батиров Абдурахман Рузумбаевич – Боёвут туманидаги «Боёвут Тўмарис шифо» масъулияти чекланган жамияти болалар шифокори, Сирдарё вилояти

Жалолова Хафиза Мухторовна – Поп тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудири, Наманган вилояти

Худайбердиев Кобил Турсунович – Андижон давлат тиббиёт институтининг травматология, ортопедия ва нейрожарроҳлик кафедраси мудири, Андижон вилояти

II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Авезова Гулнора Рустамовна – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Навоий вилояти филиали Қизилтепа тумани бўлими бош фельдшери

Аллакулов Исламбай Мадримович – Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг реанимация бўлими мудири

Бердиева Муқаддас Хасанбоевна – Шароф Рашидов туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи ҳамшираси, Жиззах вилояти

Мауленов Бабараушан Жумабаевич – Шуманай тумани тиббиёт бирлашмасининг қабул бўлими анестезиолог-реаниматологи, Қорақалпоғистон Республикаси

Махматмуратова Гулсина Исламовна – Ургут туманидаги «Шароф Рашидов» оилавий шифокорлик пункти умумий амалиёт шифокори, Самарқанд вилояти

Мемджанова Алия Нуриевна – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали лаборатория бўлими мудири, Фарғона вилояти

Назаров Акмал Бобамуротович – Паркент тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими мудири, Тошкент вилояти

Саидов Ашур Сапарович – Бандихон туманидаги 44-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Сурхондарё вилояти

Сафаров Ориф Мурадуллаевич – Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали офтальмологи, Бухоро вилояти

Шукуров Абдурахман Раупович – Қарши шаҳри марказий шифохонасининг реанимация бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Джумабаева Роза Базарбаевна – Бўстонлиқ туманидаги «Пском» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Тошкент вилояти

Салахитдинов Шухратжон Нажмитдинович – Болалар миллий тиббиёт маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари – бош шифокори

Сметова Гулнар Жолдасбаевна – Кегейли туманидаги «Ақтуба» оилавий шифокорлик пункти умумий амалиёт шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Хакимова Сохибахон Обиджановна – Андижон туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи кичик тиббий ходими, Андижон вилояти

Хлевная Елена Андреевна – Гулистон шаҳри кўп тармоқли марказий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Сирдарё вилояти

Шамсиев Азамат Мухитдинович – Самарқанд давлат тиббиёт университетининг болалар хирургияси кафедраси профессори

«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН

Артиқова Ҳулкар Акрамовна – Ғаллаорол тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Жиззах вилояти

Намозова Муниса Саломовна – Ғозғон шаҳри тиббиёт бирлашмаси тиббий бригада ҳамшираси, Навоий вилояти

Ниязова Дилорам Аскаровна – Тошкент шаҳридаги 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлими катта ҳамшираси

Ужарова Дилбар Хуррамовна – Ғузор туманидаги «Қовчин» оилавий шифокорлик пункти шифокори, Қашқадарё вилояти

Хусанова Норбегим Ривожовна – Пахтачи тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг эпидемиология ва иммунопрофилактика бўлинмаси мудири, Самарқанд вилояти

Ҳамдамова Муҳайёхон Тўхтасиновна – Бухоро давлат тиббиёт институтининг акушерлик ва гинекология кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Ҳомиджонова Рано Жияновна – Сўх туманидаги «Ленбур» оилавий шифокорлик пункти ҳамшираси, Фарғона вилояти

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Жумабоев Отабек Тоштемирович – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон филиали жарроҳи, Андижон вилояти

Қобилов Ботир Закирович – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиали хирургия бўлими мудири, Жиззах вилояти

Мусаев Улуғбек Эргашалиевич – Мингбулоқ туманидаги «Med Layt» хусусий клиникаси раҳбари, шифокор-терапевти, Наманган вилояти

Султанова Зулфия Раджапбаевна – Тупроққалъа туманидаги «Саримой» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Хоразм вилояти

Тангирбергенов Рустам – Республика тез тиббий ёрдам маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг Беруний тумани бўлими ҳайдовчиси

Тиллабоев Содиқжон Валиевич – Фурқат тумани тиббиёт бирлашмасининг қабул бўлими жарроҳи, Фарғона вилояти

Шарипов Исламжан Маматханович – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг кам инвазив юрак-қон томир жарроҳлиги бўлими мудири

Шарипова Раъно Рустамовна – Сариосиё туманидаги «Гулистон» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Сурхондарё вилояти

Ярматов Алишер – Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси аъзоси, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 8 ноябрь

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
facebook.com/ishonchofficial.uz
https://t.me/ishonchuz_official

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ

Сарҳисоб



ЯНГИ ДАВР ИМКОНИЯТЛАРИ

Фарғона вилоятида «Янги Ўзбекистон – дунё ҳамжамияти нигоҳида» шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда вилоят секторлари раҳбарлари, касаба уюшмаси томонидан ташкил этилган танловларнинг ғолиб ва совриндорлари, ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган вилоят раҳбари Хайрулло Бозоров бугунги кунда ҳудуддаги 4 мингга яқин бошланғич касаба уюшма ташкилотларида 600 минг нафардан зиёд аъзо борлиги ҳамда касаба уюшмалари уларнинг касбга, меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда, муносиб меҳнат шароитларини яратишда фаол иштирок этаётганига алоҳида урғу берди.

Таъкидланганидек, жорий йил бошидан ҳозиргача 7 минг 100 нафар ишчи-ходим касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларда соғломлаштирилди ҳамда вилоятдаги 10 минг 600 нафар ўғил-қиз оромгоҳларда ёзги таътилни мароқли ўтказди. 10 ой давомида 551 нафар ишчи-хизматчининг меҳнатга оид бузилган ҳуқуқлари касаба уюшмалари орқали тикланди. Ишчи-ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш орқали 2 миллиард сўмдан зиёд иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ундириб берилди. Корхона-ташкилотларда меҳнат қилаётган 21 мингдан зиёд ходимлар учун республикамиз ва вилоятдаги диққатга сазовор жойларга саёҳатлар ташкил этилди.

Байрам тадбирида «Энг яхши бошланғич касаба уюшма ташкилоти» кўрик-танлови ғолиблари муносиб тақдирланди.

Совринли ўринларни эгаллаган «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти, Риштон туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактаби ва Риштон туманидаги 7-давлат мактабгача таълим ташкилоти касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда бир гуруҳ касаба уюшмаси фаолларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга юқори кайфият бағишлади.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Мамлакатимиз бўйлаб 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба

Тантана

Бухоро вилоятида ҳам 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни барча корхона, ташкилот ва муассасаларда кенг нишонланмоқда.

КЎТАРИНКИ РУҲДА



Сана муносабати билан Бухоро шаҳридаги «Софинур» маросимлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шавкат Жавлонов ҳамда Федерациянинг Бухоро вилояти кенгаши раиси Муҳаммадқосим Олимов сўзга чиқиб, тадбир қатнашчиларини байрам билан табриклади.

– Мамлакатимизда Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари эркин ва кенг кўламли фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, – деди Муҳаммадқосим Олимов. – Хусусан, охирги йилларда касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик янги босқичга кўтарилди. Ижтимоий шерикликни ривожлантириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларини ратификация қилишда ўзаро ҳамкорлик сезиларли даражада ривожланди. Корхона, ташкилот ва муассасаларни касаба уюшмаларига жалб этиш, уларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузиш бўйича талай ишлар амалга оширилди.

Тадбир бухоролик хушовоз хонанда ва созандаларнинг дилбар куй-қўшиқларига уланиб кетди. Шунингдек, йил давомида самарали меҳнат қилган касаба уюшмалари фаоллари тақдирландилар.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Сана

ЭЛ БАХТИ УЧУН!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши томонидан Касаба уюшмалари куни муносабати билан «Инсон қадри учун, эл юрт бахти учун!» шиори остида меҳнат фахрийлари ҳамда касаба уюшмалари фаоллари иштирокида байрам тадбири ўтказилди.



Сўзга чиққанлар айни пайтда вилоят касаба уюшмалари тизимидаги 1350 тадан ортиқ бошланғич ташкилотда 261 мингдан зиёд фаоллар фидокорона меҳнат қилаётганини эътироф этишди. Улар корхона ва ташкилотларда ишчи-ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратишда фаол иштирок этишаётганини алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ошиши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда саломатлигини тиклаш, маданият ва спортни ривожлантириш, касаба уюшмалари фаолиятидаги фаоллиги учун бир қатор ходимлар ҳамда меҳнат фахрийларига фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

– Тинч элга мана шундай байрамлар ярашади, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ғаллаорол тумани кенгаши раиси Абдулҳаким Шакарбоев. – Айтиш лозимки, касаба уюшмалари ишчи-ходимлар ҳимояси йўлида олиб бораётган тизимли ишлари билан том маънода халқ ишончини қозонмоқда.

Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Саломатлик учун 5000 қадам» шиори остида пиёда юриш марафони ҳамда баскетбол мусобақалари ҳам ўтказилиб, уларда вилоят кенгаши тизимидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари фаол қатнашдилар.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

Мулоқот

СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИНГИЗ

Касаба уюшмалари куни муносабати билан Андижон вилоятида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирда фидойи юртдошларимизнинг меҳнатлари эътироф этилди.



Федерациянинг вилоят кенгаши раиси Қодиржон Парпиев тантана иштирокчиларини муҳим сана билан самимий табриклаб, бугун вилоятда эришилаётган катта ютуқлар, тараққиёт натижаларида барча соҳаларда ҳаллоллик билан меҳнат қилаётган юртдошларимиз, шу жумладан, айни даврада ўтирган турли касб эгаларининг ҳиссалари беқиёс эканини таъкидлади.

Қайд этилганидек, бугунги кунда вилоятда 2 минг 600 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Касаба уюшмалари 430 мингга яқин аъзоларни ўзи сафига бирлаштириб, корхона ва ташкилотларда уларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, муносиб меҳнат шароитларини яратишга чорлаб келмоқда.

– Кейинги йилларда меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш йўналишларида катта ўзгаришлар кўзга ташланяпти, – дея таъкидлади Қодиржон Парпиев. – Бу ишларни амалга оширишда касаба уюшмалари тизимидаги барча ходимлар ва фаолларнинг, шунингдек, ижтимоий шерикларимизнинг ҳам хизматлари катта.

Тадбирда жамоат ишларидаги иштироки учун 13 нафар фаол касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилган «Меҳнат ҳуқуқи ёшлар нигоҳида» танлови республика босқичининг икки нафар қатнашчиси ҳамда «Энг яхши ижтимоий шерик» танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлган уч нафар қуйи бўғин етакчиси ҳам муносиб рағбатлантирилди. Бундан ташқари, икки нафар талабанинг бирига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги санаторийда бепул соғломлаштириш учун, яна бирига эса Федерация стипендияси билан тақдирланганлиги юзасидан сертификатлар топширилди.

Бундан ташқари, сана муносабати билан барча тармоқлардаги ташкилотларда «Касаба уюшмаси – Сизнинг ишончли ҳимоячингиз» мавзуида ишчи-ходимлар билан мулоқотлар, шахмат бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар ҳамда кундалик иш фаолиятида ҳамкасбларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлаётган фидойи мутахассислар меҳнатлари эътироф этилаётир.

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

Анваржон ҲАЛИМОВ олган сурат.

Анъана

АЙЁМ ШУКУҲИ

Термиз шаҳридаги «Дипломат» тантаналар саройида касаба уюшмалари фахрийлари, фаоллари ва юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган меҳмонлар жам бўлишди. Касаба уюшмалари куни муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов сўзга чиқиб, йиғилганларни айём билан муборакбод этди.



– Касаба уюшмалари фақатгина меҳнаткашлар бирлашмаси эмас, балки одамларнинг оғирини енгил қилиб, уларнинг ҳар томонлама таянчи ва суянчига, ҳақ-ҳуқуқларининг мустаҳкам, ишончли ҳимоячисига айланган умумхалқ ташкилоти сифатида ҳам эътироф этилмоқда, – деди у.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Сурхондарё вилояти мисолида айтадиган бўлсак, ушбу ташкилот ташаббуси билан ўтган йилларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Амударё» соғломлаштириш оромгоҳи, «Термиз марвариди», «Ҳўжаипок», «Сангардак» санаторийлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, Президентимиз қарори асосида «Омонхона» санаторийси касаба уюшмалари тасарруфига ўтказилиб, бугунги кунда ушбу масканни кенгайтириш, ободонлаштириш ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Байрам тадбирида тизим ходимлари, фаол ишчи-хизматчилар, касаба уюшмалари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган корхона ва муассаса ходимларига ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

– Мазкур тантанада «Инсон қадри учун, эл-юрт бахти учун!» деган эзгу ғоя остида астойдил меҳнат қилиб келаётган касаба уюшмалари фаоллари қатори биз, фахрийларга ҳам чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди, – деди касаба уюшма фахрийси, иқтисодчи Исмоил Маҳмадияров. – Бу, шубҳасиз, Янги Ўзбекистонимизда ҳар бир инсон ғамхўрлик оғушида эканининг ёрқин исботидир.

Байрам воҳа санъаткорларининг куй-қўшиқлари билан янада шукуҳли бўлди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Ардоқ

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Қорақалпоғистон давлат ёш томошабинлар театрида Касаба уюшмалари байрами муносабати билан «Инсон қадри учун, эл-юрт бахти учун!» мавзусида тантанали байрам кечаси ўтказилди. Унда республика раҳбарлари, меҳнат фахрийлари ҳамда касаба уюшмалари фаоллари қатнашди. Ушбу соҳа фидойиларидан бир гуруҳи эса, «Ардоқли нуроний», шунингдек, «Ибратли аёл», «Ватан фидойиси», Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони ҳамда касаба уюшманинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.



– Сана муносабати билан «Ардоқли нуроний» нишони билан тақдирланганим ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлди. Бу эътирофни давлатимизда нуронийларга кўрсатилаётган эҳтиром белгиси деб биламан, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси Ерғалий Сейтназаров. – Анча йиллардан буён касаба уюшмасида фаолият юритиб келаман. Бугунга келиб касаба уюшмалари том маънода халқ ишончини қозонаётган тизимга айланди, дея бемалол таъкидлаш жоиз. Янги Ўзбекистонда инсон қадрланяпти, халқимиз ҳаётдан рози бўлиб яшаяпти. Бунда юртимизда олиб борилаётган одилона сиёсат мужассам.

Тадбир санъат усталарининг концерт дастури билан давом этди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!

уюшмалари куни байрами шукуҳи кезмоқда

Ташаккур



ЭЗГУЛИК БАЙРАМИ

Касаба уюшмалари куни муносабати билан Хоразм вилоятидаги барча жамоаларда турли маънавий-маърифий тадбирлар, авлодлар учрашувлари, спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Урганчдаги муҳташам тўйхонадаги тадбир ҳам иштирокчиларни хушнуд қилди. Улар сафида ҳамкор ташкилотлар вакиллари, тизимда узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатиб, кексалик гаштини сураётганлар, турли танловларда ғолиб бўлганлар, жамоа шартномаси ижросини бекаму кўст таъминлаб келаётган иш берувчилар бор.

Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов барчани байрам билан табриклаб, самимий тилакларини билдирди.

– Ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли ҳаёт сифати ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бунда салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ўрни ва роли катта, – деди у. – Шу ўринда, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида «Хонқа» санаторийсининг янги биноси фойдаланишга топширилганини мамнуният билан қайд этишни истардим. Энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 200 ўринли янги бино йилига 5000 нафардан зиёд юртдошларимиз мароқли дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашларига имконият яратди. Ушбу иншоот Президентимиз илгари сурган «Инсон қадри учун» ғоясининг яна бир амалий ифодасидир.

Касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ўз сафига 350 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Жорий йилнинг ўтган даврида «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» дастури доирасида ходимлар манфаатдорлигини таъминлаш учун жамоа шартномалари асосида ижтимоий шерикликда 4 миллиард 347 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масаласи доимий диққат-эътиборда. Йилнинг ўтган даврида судларга даъво аризалари киритиш орқали меҳнат ҳуқуқлари бузилган 111 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Аъзоларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун суд қарорлари асосида 756 миллион сўм пул маблағлари ундириб берилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури доирасида 22 минг нафарга яқин аъзоларнинг тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилиб, мароқли дам олишлари таъминланди.

Ўтган даврда 3124 нафар касаба уюшма аъзоси Федерация тизимидаги санаторийларда имтиёзли соғломлаштирилган бўлса, вилоятдаги болаларни ёзги дам олдириш соғломлаштириш оромгоҳларида 12 мингга яқин болалар дам олдирилди. Шу йилнинг 10 ойи давомида мингдан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмалари тузилиб, 21355 нафар ходим касаба уюшмасига аъзо қилинди.

Бу каби жиҳатлар алоҳида таъкидланган тадбирда сана муносабати билан бир гуруҳ касаба уюшмалари фаолларига фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалар тақдим этилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Эътибор

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан Юқори Чирчиқ туманида байрам тадбири уюштирилди. Унга меҳнат фахрийлари, касаба уюшма фаоллари, вилоятдаги корхона ва ташкилотларда узоқ йиллар фаолият юритган ишчи-ходимлар таклиф этилди.



Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев ҳам иштирок этиб, сана муносабати билан барча касаба уюшмалари ходимларини ҳамда меҳнаткашларни самимий қутлади. Шунингдек, 120 йиллик тарихга эга касаба уюшмаларининг босиб ўтган йўли, турли даврлардаги ривожи, бугунги кундаги мавқеини фахр билан тилга олди.

Бир пиёла чой устида, махсус мусиқий дастур асосида ташкил этилган байрам йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади. Фахрийлар, касаба уюшма фаоллари сўзга чиқиб, меҳнат фаолиятлари даврида олиб борилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда касаба уюшмалари доимо ишчи-ходимларнинг мустаҳкам таянчи эканлиги, инсон омили ҳамиша устунлиги ҳақида сўзлаб, фахрийлар мудом эъзозда эканлиги учун алоҳида миннатдорлик билдиришди.

Тадбир давомида соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, унинг ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар ҳамда айни кунларда фаол хизмат қилаётган бир гуруҳ касаба уюшмалари ходимлари Тошкент вилояти ҳокими томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Самимият



ЮКСАК ИШОНЧ БИЛАН

Касаба уюшмалари куни муносабати билан Қашқадарё вилоятида ҳам қатор байрам тантаналари ўтказиб келинмоқда. Бугун Қарши шаҳридаги «Офарин» ресторанида Федерациянинг Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан тадбир ташкил этилди.

– Сўнгги йилларда касаба уюшмалари жамиятимизнинг муҳим бир бўлагига айланди, – деди вилоят ҳокими Муроджон Азимов. – Ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат муҳити яратиб берилишида ушбу ташкилотнинг ҳиссаси беқиёс. Қанчадан-қанча ходимлар моддий ва маънавий рағбатлантириляпти, сиҳатгоҳларда даволаниши учун йўлланмалар берилиб, саломатлиги тикланмоқда.

Бугунги кунда вилоят касаба уюшмалари ўз сафига 530 минг нафардан зиёд аъзоларни бирлаштириб, уларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашга, муносиб меҳнат шароитларини яратишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

– Сўнгги йилларда меҳнат жамоаларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича катта ишлар амалга оширилди, – деди Федерациянинг вилоят кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев. – Шу билан бирга, маданий ҳордиқ чиқариш, соғломлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 1613 нафар ишчи-хизматчи санаторийларда саломатлигини тиклади. Бўш вақтларини сермазмун ўтказишларини таъминлаш, бой маданиятимиз, тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида театр, музей, концерт дастурларига ташрифлар уюштирилди. Байрамлар арафасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Саховат» ва «Мурувват» уйларида яшовчилар ҳолидан хабар олиниб, ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Тадбирда кўп йиллар фидойи меҳнатлари билан обрў топган бир гуруҳ соҳа вакиллари ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Санъаткорлар томонидан саҳналаштирилган концерт дастури эса барчага манзур бўлди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Хайрли иш

ҲАММАГА МАНЗУР

Гулистон шаҳридаги «Фаровон» тантаналар кошонасида Касаба уюшмалари куни муносабати билан нуронийлар, тизимда узоқ йиллар фидойилик кўрсатган меҳнат фахрийлари, соҳа ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари безатилган дастурхон атрофида жам бўлишди.

Тадбирда вилоят ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг энг яқин кўмакчиси, маслаҳатчиси бўлишдан ташқари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи куч эканини таъкидлади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев эса ўз сафида етти миллион аъзони бирлаштирган касаба уюшмалари амалга ошираётган хайрли ишлар ҳақида сўз юритди.

Фаолиятда алоҳида ўрнак кўрсатаётган касаба уюшма фаоллари, шунингдек, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган республика танловлари ғолиблари муносиб тақдирланди. Бир гуруҳ ишчи-ходимларга эса вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ҳамда совғалари топширилди.

Байрам Боёвут туманидаги 30-мактабгача таълим ташкилоти услубчиси Шоҳсанам Акбарова учун ўзгача бўлди. Унга касаба уюшмалари тасарруфидаги сиҳатгоҳлардан бирида саломатлигини мустаҳкамлаш учун бепул йўлланма берилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминовнинг ҳаммага манзур қўшиқлари даврага кўтаринкилик бағишлади.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



Айём

ЖАМИЯТНИНГ ИШОНЧИ ВА СУЯНЧИГА АЙЛАНГАН



Сана муносабати билан Навоий шаҳридаги Маънавият ва маърифат марказида ҳам байрам тадбири ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари Жамшид Ходжаев вилоят раҳбарининг байрам табригини соҳа ходимларига ўқиб эшиттирди. Сўнгра Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси раиси ўринбосари Шавкат Жавлонов, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Нодир Деҳқонов сўзга чиқиб, барчани айём билан қутлади. Улар алоҳида таъкидлашганидек, ўтган даврда касаба уюшмалари томонидан ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал қилиш борасида кўплаб самарали ва натижадор ижобий ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги йилларда касаба уюшмалари жамиятимизнинг муҳим бир бўлагига, ишончи ва суянчига айланганини Навоий вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳозир вилоят касаба уюшмалари тизимида 3800 дан ортиқ бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, уларда 1200 га яқин фаоллар самарали меҳнат қилмоқда. Жами аъзолар сони эса 235 минг нафардан ортиқ бўлиб, касаба уюшмалари ташкилотлари сони 1625 тани ташкил қилмоқда. Улар корхона ва ташкилотларда ишчи-ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, муносиб меҳнат шароитлари яратишда фаол иштирок этмоқдалар.

– Сўнгги йилларда касаба уюшмалари тизимида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишлари янги босқичга кўтарилди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши бўлим мудири Норимхол Нурмонова. – Тизим вакиллари томонидан амалга оширилган ишлар кўламининг кенглиги, эришган натижаларимиз халқимизни ҳар томонлама қувонтирмоқда ва рози қилмоқда.

Тадбир давомида ўз касбини ардоқлаб келаётган бир гуруҳ тизим ходимларига фахрий ёрлиқ, ташаккурнома ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Матбуот анжумани

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Самарқанд вилояти Матбуот уйида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Касаба уюшмалари куни муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Суҳроб Рафиқов касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида батафсил маълумот берди.

– Ҳудудимизда янгидан ташкил этилган юзлаб корхоналарда меҳнат шароитлари устидан жамоат назорати ўрнатилмаган, – деди Суҳроб Рафиқов. – Ўтган тўққиз ойда касаба уюшмалари аъзолигини қабул қилмаган корхоналарда ишловчиларнинг 50 дан ортиқ муаммоларини ҳал этдик. Меҳнаткашлар билан алоқаларни мустаҳкамлашда журналистлар кўмагига ҳар доим суянамиз.

Касаба уюшмалари томонидан маҳаллий нашрлар орқали тарғибот ташвиқот ишлари олиб борилгани боис жорий йилда 40 мингдан зиёд турли корхоналарда ишловчилар 2 мингдан зиёд бошланғичга бирлашган ҳолда жамоат ташкилоти сафига қўшилди. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги тадбирларда салкам 22 мингдан зиёд ёшлар иштироки таъминланди. Жамоа шартномалари орқали «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 19 минг 590 нафар ишчи-хизматчи ва уларнинг оила аъзоларининг саёҳати ташкил этилди. 4 минг 780 нафар фуқаро касаба уюшма тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилди.

Анжуманда Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши ўртасида соҳа фаолиятини янада кенг ёритиш мақсадида келишув меморандуми имзоланиши таклифи билдирилди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган тадбирлар Самарқанд ветеринария медицинаси институтида ҳам бўлиб ўтди. «Нодир Самарқанд» (Афросиёб) меҳмонхонасида ташкил этилган тадбирда эса «Заковат» интеллектуал ўйинлари ғолиблари давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан рағбатлантирилди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Спартакиада



ИШГА ҲАМДАМ, СОҒЛИҚҚА МАЛҲАМ – СПОРТ

Инсон саломатлигига спортчалик яхши таъсир қиладиган омил йўқ. Шу боис касаба уюшмалари тизимида ишчи-ходимларнинг спортга ошно бўлишига жиддий эътибор қаратиб келинаётир.

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ушбу ташкилот аъзолари бўлган қатор корхона ва ташкилотлар ходимлари учун пойтахтимиздаги Яккасарой спорт соғломлаштириш мажмуасида бир нечта тадбир ташкил этилди. Эрталабдан спорт мажмуаси байрамона безатилиб, 500 нафар ишчи-ходим ва уларнинг фарзандлари қувноқ мусиқалар жаранги остида кутиб олинди.

Федерациянинг спорт ва соғломлаштириш бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар спорт бошқармаси раҳбарияти спартакиада иштирокчиларини яқинлашиб келаётган Касаба уюшмалари куни билан табриклади. Шундан сўнг Яккасарой тумани бадиий ҳаваскорлари ва «Ўзбек жанг санъати» ёш спортчиларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Асосий тадбирларда эса узоқ йиллар давомида касаба уюшмалари тизимининг спорт йўналишида меҳнат қилган бир гуруҳ фахрийларга «Ўзбекистон касаба уюшмалари спорт фидойиси» кўкрак нишони топширилди. Кейин тадбир иштирокчилари мусиқа садолари остида оммавий бадантарбия машқларини, шунингдек, 5 минг қадамга юриш шартларини бажаришди. Эътиборлиси, ходимлар ушбу спорт байрамида нафақат ўзлари ва ҳамкасблари, балки фарзандлари ва яқинлари билан биргаликда иштирок этишди.

– Бугунги спартакиадага Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасидан келдик, – дейди касаба уюшма аъзоси Мавлуда Султонова. – Ишхонамизда касаба уюшмаси ташаббуси билан доим шахмат, шашка, волейбол ва стол тенниси мусобақаларини ташкил этилади. Ходимларимиз жорий йилда Самарқанд ва Хивага зиёратга бориб келишди. Маданий ҳордиқ чиқаришга эътибор қаратилган жойда иш унумдорлиги ҳам юқори бўлади. Бугунги тадбирлар ҳам иштирокчиларга ўзгача кайфият бағишлади.

Шу куни Касаба уюшмаларига қарашли сузиш ҳавзасида бир неча кундан буён давом этаётган «Сузиш бўйича Ўзбекистон кубоги» мусобақаси иштирокчиларини ҳам тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Спартакиадада фаол иштирок этган ходимларга эса эсдалик совғалари топширилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»



Учрашув

ДИЛДАГИЛАР ТИЛЛАРГА КЎЧГАНДА...





Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Касаба уюшмалари куни арафасида катта жамоани самимий даврага чорлади.

Федерациянинг малака ошириш институтида ҳамкор ташкилотлар, Республика кенгашида узоқ йиллар ишлаган, ҳозир пенсияда бўлган фахрийлар, кўзи ожизлар ҳамда карлар жамиятлари тасарруфида бўлган корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ногиронлиги бўлган ходимлар, Ўзбекистон ногиронлар жамияти вакиллари тўкин дастурхон атрофида дилдан суҳбатлашишди.

Тадбир аввалида фахрийлар Касаба уюшмалари музейида бўлиб, тарихни ёдга олишди. Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Улуғбек Муҳамедов, Ўзбекистон карлар жамияти марказий бошқаруви раиси Гўзал Шодиева юртимизда инсон қадри тамойили асосида олиб борилаётган ишларни эътироф этишди.

– Касаба уюшмалари тизимида салкам 30 йил фаолият юритдим. Ҳозир ўзгаришлар катта ва албатта, ижобий. Касаба уюшмалари барча соҳаларни қамраб олгани эътирофга муносиб. Бундан кўринадики, бугун барча меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояда, саломатликлари, оила аъзолари эътиборда, – дейди Абдумалик Акбаров. – Бугунги тадбирда ҳамкасбларимиз билан мириқиб суҳбатлашдик, дийдорлашдик. Бундай давра суҳбатлари бизни янада жипслаштиради, фаолиятимиз ривожи учун янги қирралар очади.

Тадбирда барча иштирокчиларга Республика кенгашининг эсдалик совғалари, фаол касаба уюшма ходимларига ташаккурномалар топширилди.

Куй-қўшиқ ва рақслар барчага янада кўтаринкилик бағишлади.

* * *

Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши яна кўплаб ишчи-ходимларни шундай илиқ давраларда байрам билан қутлади. Хусусан, Ангрен шаҳридаги «Angren shakar» МЧЖ бошланғич ташкилотининг 10 йиллик юбилейи, шунингдек, Республика кенгаши томонидан ўтказилган «Энг яхши ташкилот» танлови ғолибларини тақдирлаш муносабати билан учрашув ўтказилди. Унда фаол ходимларга эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, Бўстонлиқ туманидаги «Угам» оромгоҳида тармоқ касаба уюшмасига аъзо ташкилот ва корхоналарнинг 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган 95 нафар кам таъминланган ишчи-ходими ўртасида спортнинг шахмат, шашка, бадминтон, волейбол, мини-футбол, дартс ва стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Совринли ўринларни қўлга киритган ходимлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА,
Мирнодир МИРАКМАЛОВ (фото),
«Ishonch» мухбирлари

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
S. Abdurahmonov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 01:40
Topshirildi – 02:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 012 та
Shundan:
7 130 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1111

1 2 3 4 5 6

Мусобақа

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари ва ишчи-ходимлари ўртасида «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спорт мусобақаси уюштирди.

КУБОК ЮНУСОБОД ЖАМОАСИДА

Уч босқичда ўтказилган ушбу мусобақада 400 нафар ишчи-ходим қатнашди. Спортнинг 6 тури – мини-футбол, стол тенниси, шашка, шахмат, бадминтон, дартс каби йўналишларда беллашган иштирокчилар ўйинлари муросасиз ва қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг спорт мажмуасида мусобақаларнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тантанали тақдирлаш маросимида эса Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдухалил Раҳмонов мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади – «Инсон қадри, эл-юрт бахти учун!», деган эзгу ғояни изчил давом эттириш эканини таъкидлаб ўтди.

Мусобақада фахрли биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган жамоалар ҳамда фаол иштирокчиларга турли номинациялар бўйича диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Муросасиз ва қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган финал босқичида жамоавий ҳисобда Юнусобод тумани жамоаси энг кўп очко тўплаб, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши кубогини қўлга киритди.

Гулюз ФАХРИДДИНОВА

Эътироф

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашида байрам муносабати билан Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тадбир ўтказилди. Унга педагог-ўқитувчилар, тарбиячилар, туман касаба уюшмалари кенгашлари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, узоқ йиллар тизимда фаолият юритган устозлар таклиф қилиндилар.



Тадбирда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов сўзга чиқиб, ҳозирда мамлакатимизда таълим соҳасида юз бераётган ўзгаришлар, мазкур жараёнларда касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Сўнгра таълим соҳасида юқори натижаларга эришган ва касаба уюшмаси тизимида фидокорона меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ туман (шаҳар) касаба уюшмалари кенгашлари, бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, шунингдек, узоқ йиллар тизимда фаолият юритган устозлардан 20 нафари қимматбаҳо совғалар, икки нафари «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Анжуман

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ҳамда ички ишлар ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик» шиори остида уюштирилган анжуман Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар касаба уюшмасининг 120 йиллик тарихига ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш борасида олиб бораётган ишларига алоҳида тўхталдилар.

Шундан сўнг касаба уюшма фаолиятига ўз ҳиссасини қўшган бир гуруҳ ходимлар ва ўз йўналиши бўйича фидокорона ишлаётган 45 нафар ёш ходимга, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган 40 нафар ходимнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

Беҳзод РОЗИҚОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси мутахассиси

Хушхабар

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЧИ БЎЛАДИ

Иқтисодиёт университетида Талабалар касаба уюшмаси таъсис этилди

Шу муносабат билан ўтказилган конференцияда университет ректори Тўлқин Тешабаев ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдухалил Раҳмонов, университет масъул ходимлари ҳамда 350 нафардан ортиқ делегат иштирок этди.

Тадбир давомида талабалар касаба уюшма қўмитаси, раёсати ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди. Қўмита раислигига ёшлар етакчиси Шоҳруҳ Боймуродов, унинг ўринбосари лавозимига эса Жавлонбек Бутаев маъқулланди. Тадбир асноси касаба уюшмасининг илк аъзоларига рамзий гувоҳномалар топширилди.

– Олий ўқув юртимизда касаба уюшмаси ташкил этилгани айни муддао бўлди, – дейди Ш.Боймуродов. – Чунки касаба уюшмаси бизга қатор имтиёзлар беради. Ушбу жамоат бирлашмаси биз, ёшларнинг жамият учун муносиб шахс бўлиб камол топишимизда кўмакчи ва мададкор бўлиши шубҳасиз.

Амир АҲМЕДОВ